

Тошкент шаҳри

“14” июн 2022 йил

Харид комиссиясининг (22110006083769-сонли лот бўйича 2022 йил 9 июндаги баённома) қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Ўқув таълим-таъминот” давлат муассасасининг, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, Устави асосида фаолият юритувчи директор Б.Исламов, бир томондан ва "SUMKALAR SAYYORASI" МЧЖ, кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади, Устав асосида фаолият юритувчи директор К.Арифджанов иккинчи томондан, шунингдек, шартномада “томон” сифатида алоҳида ва биргаликда “томонлар” деб юритилади, ушбу шартномани қуйида келтирилганлар бўйича туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Ижрочи” ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-иловага мувофиқ, “Товарлар”, миқдори ва бошқа хусусиятларига кўра, 2-иловадаги техник тавсифларга тўлиқ мос келадиган “Товарлар”ни Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Сағбон 13-берк кўчаси, 28-уй манзилига етказиб бериш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса ушбу шартномада белгиланган шартларда ва муддатларда товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ МИҚДОРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича “Ижрочи” томонидан етказиб бериладиган “Товар”нинг умумий миқдори, 15 фоиз 1 930 540 173,91 (бир миллиард тўққиз юз ўттиз миллион беш юз қирқ минг бир юз етмиш уч) сўм 91 тийин кўшилган қиймат солиғи билан биргаликда кўшиб ҳисоблаганда 14 800 808 000,00 (ўн тўрт миллиард саккиз юз саккиз миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. “Товарлар” учун ҳисоб-китоблар “Ижрочи”нинг банк ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш орқали “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади.

2.3. “Буюртмачи” ушбу шартнома имзоланган ва Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 15 (ўн беш) календар кун мобайнида шартнома умумий суммасининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида “Ижрочи”га аванс тўлов сифатида олдиндан тўловни амалга оширади, агарда “Ижрочи” томонидан ушбу шартноманинг 2.6. бандида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилган бўлса.

2.4. Кейинги тўловлар “Буюртмачи” томонидан 2.3. бандга асосан тўланган аванс тўлов сифатида олдиндан тўлов суммасидан кам бўлмаган миқдордаги тугалланган товар партияси етказиб берилгандан ва шартноманинг 2.5. бандида белгиланган тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг 30 (ўттиз) календар кун ичида “Ижрочи”га тўлаб берилади.

2.5. “Товар”лар умумий миқдорининг қолган қисми “Ижрочи” томонидан товарлар тўлиқ етказиб берилгандан сўнг, тақдим этилган ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактуралари, “Товар”ларни қабул қилиш далолатномалари ва (мутахассис) лаборатория хулосаларига мувофиқ 30 (ўттиз) календар кун ичида “Ижрочи” ҳисоб рақамига ўтказилади.

2.6. Тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш қафолати сифатида “Ижрочи” “Буюртмачи”нинг махсус ҳисоб рақамига мазкур шартнома тузилганидан 5 (беш) банк иш кунидан кечикмасдан пул маблағлари кўринишидаги “Товар” умумий суммасининг 3 (уч) фоизи миқдоридаги қафолат суммасини ўтказиш мажбуриятини таъминлаши шарт.

Мазкур мажбурият “Ижрочи” томонидан бажарилмаган тақдирда “Буюртмачи” шартноманинг 2.3., 2.4. ва 2.5. бандларида белгиланган муддат ўтганидан қатъий назар аванс тўлов сифатида олдиндан тўловни ёки навбатдаги тўловни амалга оширмасликга ҳақли.

2.7. Кафолат миқдори “Ижрочи”га ушбу шартнома шартларига мувофиқ белгиланган муддатларда миқдор ва сифат бўйича “товарлар” тўлиқ етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин қайтарилади.

2.8. “Ижрочи” ушбу шартномани имзолаш орқали кафолат суммаси қайтарилган пайтда кафолат миқдоридан пеня, жарима тўловлари ва “Буюртмачи”га етказилган зарар миқдорининг ушлаб қолиниши бўйича “Буюртмачи” сўзсиз ҳуқуқга эга эканлигини ўз розилиги билан тасдиқлайди.

III. ТОВАРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ

3.1. “Ижрочи” аванс тўлов сифатида олдиндан тўлов унинг ҳисоб рақамига тушган кундан бошлаб товарларни етказиб беришни бошлаш мажбуриятини олади.

Шунингдек, “Ижрочи” ушбу шартнома шартларига мувофиқ шартнома имзоланган пайтдан бошлаб “Товар”ни етказиб беришни бошлаш ҳуқуқига эга.

3.2. “Товар”ларни етказиб бериш - аванс тўлов сифатида олдиндан тўлов тўлаб берилган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун ичида амалга оширилади. Товарни етказиб беришнинг сўнгги муддати 60-(олтмишинчи) кун ҳисобланади.

3.3. “Ижрочи” “Буюртмачи”ни товарни етказиб беришга тайёрлиги тўғрисида камида 5 (беш) календар кун олдин хабардор қилади.

3.4. “Товар”ларни “Буюртмачи”га етказиб бериш (транспорт ва бошқалар орқали) “Ижрочи”нинг маблағлари ҳисобидан белгиланган манзилга олиб бориш орқали амалга оширилади.

IV. ТОВАР СИФАТИ ВА КАФОЛАТИ

4.1. “Ижрочи” етказиб берилган товарларнинг харид ҳужжатларида белгиланган техник стандарт ва шартларга ҳамда мазкур шартнома шартларигага мос келишини кафолатлайди.

4.2. Товарнинг сифати ҳамда миқдори шартноманинг 5.2. бандига мувофиқ “Товар”ни етказиб бериш манзилида текширилади ва қабул қилиб олинади.

4.3. “Ижрочи” лот бўйича топшириладиган ҳар бир партияга (мажбурий сертификацияга тегишли товарлар) “Товар” номи ва миқдори кўрсатилган мувофиқлик сертификати ва санитария-эпидемиология хулосасини тақдим этиши шарт.

Етказиб бериладиган “Товар” техник шартларга мувофиқ ўралиши керак.

4.4. Мажбурий равишда, ҳар бир етказиб бериладиган товар ҳар бир товар учун техник топшириқ бўйича талаб қилинадиган белгига эга бўлиши керак.

4.5. “Ижрочи” шартномада келишилган товарлар учун 12 (ўн икки) ойлик кафолат муддатини тақдим этади. Кафолат муддатининг ўтиши товар қабул қилинган кундан бошлаб ҳисобланади.

4.6. Кафолат хизмати “Ижрочи” мутахассисининг товарнинг ўрнатилган (етказиб берилган) жойида алмаштириш ёки таъмирлаш йўли билан амалга оширилиши керак. Етказиб берилган товарнинг кафолат муддати давомида нуқсонли ёки носозлиги келиб чиққанда, “Ижрочи” 15 (ўн беш) кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни алмаштириш ёки таъмирлаш мажбуриятини олади. “Ижрочи” “Буюртмачи”га республика ҳудудларига етказиб берилган товарларнинг кафолат хизматини бажарадиган ташкилий тузилмасини тақдим этиши керак.

“Ижрочи” кафолат муддати давомида товарларни алмаштириш ёки таъмирлаш мажбуриятини бажармаса, товар миқдорига тенг зарар пулини қоплаб беради.

4.7. Етказиб берувчининг ушбу Шартномада назарда тутилган кафолат мажбурияти харидор томонидан товарни нотўғри ишлатиш натижасида келиб чиқадиган нуқсонларга нисбатан қўлланилмайди.

V. ТОВАРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

5.1. “Товар”ни қабул қилиш - “Буюртмачи”нинг “Ижрочи” вакиллари иштирокида тузилган қабул комиссияси томонидан шартномада “Товар”га қўйилган талаблар доирасида амалга оширилади.

5.2. “Товар”ни қабул қилиб олиш натижалари бўйича товарларни қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Етказиб берилган товарларнинг ушбу шартнома шартларига мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилади ҳамда дарҳол “Ижрочи”га тақдим этилади.

“Ижрочи”нинг айби билан етказиб бериш вақтида “Товар”нинг бузилиши ёки йўқолиши учун “Ижрочи” жавобгар бўлади. Йўқотилган ёки бузилган “Товар”лар етказиб берувчининг ўрнига янги маҳсулотни тақдим этиши орқали ўз ҳисобидан қопланади.

5.3. “Ижрочи” аниқланган камчиликларни далолатномани олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида ўз маблағлари ҳисобидан бартараф этишга мажбурдир. “Товар”ларни қабул қилиб олиш муддати қабул қилиб олиш тўғрисидаги ёки камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги далолатномага асосан юборилган ҳисоб-фактуралари асосида аниқланади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. “Ижрочи” мажбур:

- ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида “Буюртмачи”нинг ҳисоб рақамига “Товар” умумий суммасининг 3 (уч) фоизи миқдоридида кафолат суммасини ўтказишга;

- “Буюртмачи”ни товарни етказиб беришга тайёрлиги тўғрисида камида 5 (беш) календар кун олдин хабардор қилишга;

- “Буюртмачи”га “Товар”ни ушбу шартномада белгиланган шартларда ва муддатларда етказиб беришга;

- агар “Товар”ни етказиб бериш жараёнида белгиланган намунадагидан ва ушбу шартнома шартларида белгиланган талаблардан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талабига биноан 10 кунлик муддат ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этишга;

- товарни унга тегишли бўлган жиҳозлари билан ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатлар (сертификатлар ва ҳ. к.) билан тақдим этишга;

- “Товар”нинг ундан фойдаланиш ва сақлаш вақтида техник шартларга мувофиқлигини кафолатлашга ва кафолат муддати давомида “Буюртмачи” томонидан аниқланган камчиликли маҳсулотларнинг нуқсонини бартараф этишга ва барча харажатларни ўз зиммасига олишга.

- ушбу шартномада белгиланган товарларнинг ўз муддатида ва тегишли техник стандартлар асосида етказиб берилишини мониторинг қилишда “Буюртмачи”га тўсқинлик қилмасликка;

- ушбу шартномада кўрсатилган шартнома мажбуриятларини бажаришга.

6.2. “Буюртмачи”:

- ушбу шартномада белгиланган муддатларда етказиб берилган товарларни қабул қилиш ва ўз вақтида тўловларни амалга ошириш;

VII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

7.1. Томонлар:

- Томонлар, уларнинг аффилианган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерида эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

- Томонлар, уларнинг аффилианган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини

таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

7.2. Томонда ушбу шартноманинг 7.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупсия билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКІЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. “Ижрочи” товарларни етказиб беришни кечиктирса ёки умуман етказиб бермаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисми миқдорининг 0,5 % (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий миқдори мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 50 % (фоизи) дан ошмаслиги керак. Пеня тўловларини тўлаш шартномавий мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8.2. Агар етказиб берилган товарлар стандартларга, техник шартларга, харид савдоларида тақдим этилган намуналарга, сифат, ассортимент, нави жиҳатидан, қонунчиликда ёки ушбу шартномада ўрнатилган бошқа мажбурий шартларга жавоб бермаса, “Буюртмачи” “Товар”ни қабул қилишни ва ҳақини тўлашни рад қилишга ҳақли, бундай ҳолатда “Ижрочи” “Буюртмачи”га рад этилган товарлар қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди ва товарни харид савдоларида тақдим этилган намуналар ва сифат бўйича бошқа мажбурий шартларга жавоб берадиган товарга алмаштириши керак.

8.3. “Буюртмачи” етказиб берилган товарлар учун (расмийлаштирилган ҳисоб-фактуралари, “Товар”ларни қабул қилиш далолатномалари ва (мутахассис) лаборатория ҳулосаларига асосан) тўловни ўз вақтида амалга оширмаса, “Ижрочи”га кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан кўп бўлмаслиги лозим.

8.4. Ушбу шартномада назарда тутилган пеня ва жарима санкцияларидан ташқари, “Ижрочи”нинг шартномада белгиланган мажбуриятлари бажарилмаслиги оқибати шартнома бекор қилинганда ёки “Товар”ни етказиб бериш муддати бир ойга (30 кунга) кечиктирилганда кафолат суммаси “Ижрочи”га қайтарилмайди.

8.5. Етказиб берилган “Товар” учун тўловлар бюджетдан маблағлар ўз вақтида ажратилмаганлиги ёки “Буюртмачи”га тегишли бўлмаган бошқа сабабларга кўра ўз вақтида тўланмаслиги учун “Буюртмачи” жавобгар бўлмайди.

8.6. Ушбу шартнома ёки у билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.7. Агар томонлар ўзаро келишувга келишмаса, шартнома бўйича келиб чиқадиган барча низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилишига келишдилар.

IX. ФАВҚУЛОТДА ВАЗИЯТЛАР

9.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

9.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва томонлардан бирининг мажбуриятларини бажарилишига таъсир қилувчи кутилмаган ҳолатлар киради.

9.3. Томонлар фавқулодда вазиятлар ва уларнинг йўқотишларини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиши мумкин. Тегишли ваколатли орган томонидан берилган

тегишли хужжат форс-мажор ҳолатларининг мавжудлиги ва давомийлигини етарли даражада тасдиқлайди.

9.4 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

9.5. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

Х. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

10.1. Ушбу шартнома имзоланган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар, 2022 йил 31 декабрдан кечиктирмасдан амал қилади.

10.2. Агар бир томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган бўлса, ушбу шартнома томонларнинг келишуви билан ёки томонларнинг бирининг талабига биноан бир томонлама тартибда бекор қилиниши мумкин.

Шартнома шартларини жиддий равишда бузиш деб махсулотларни етказиб бериш учун белгиланган муддатни бир ойдан (30 кундан) ортиқ муддатга бузилиши ҳамда умумий товарнинг 20 %дан ортигини белгиланган техник талабларга жавоб бермайдиган ҳолатда топшириш ҳисобланади.

10.3. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклиф юборилганидан кейинги 5 (беш) кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

10.4. Ҳеч бир томон ушбу Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа томоннинг олдиндан ёзма розилигисиз учинчи шахсларга ўтказишга ҳақли эмас.

10.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.6. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш, кўшимчалар ва иловалар фақат ёзма равишда тузилган ва ҳар икки томон томонидан имзоланган ва муҳрланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

10.7. Ушбу шартнома иккита ҳақиқий нусхада тузилган.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

“БУЮРТМАЧИ”

“Ўқув таълим-таъминот” ДМ

Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 49Б-уй.
Х/р (ғазна) 100010860262697092100075001
Банк: “Ипотека банк” АТИБ Мехнат ф-ли
Кафолат маблағларини қабул қилиш махсус
х/р: 20210 000 7 00101561 002
МФО: 00423, СТИР: 200524742
Тел.: +998 (55) 501-33-53

Директор

Б.Исламов

“ИЖРОЧИ”

"SUMKALAR SAYYORASI" МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани,
Лутфикор кўчаси, 64-уй
Х/р: 2020 8000 1053 7852 2002
Банк: АТБ “Инфин” банк, Зангиота ф-ли
МФО: 01080, СТИР: 308 402 885
ОКЭД: 13990
Тел: +998 (99) 802-58-84

Директор



2022 йил " _____ " _____ даги
6/22-U10 -сон шартномага
1-илова

Ўзбекистон Республикасидаги умумтаълим мактаблари учун харид қилинаётган ўқувчи учун сумкаларнинг миқдори

№	Ўқув куроллари номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
	Жами:				14 800 808 000,00
1	Ўқувчи сумкаси	дона	168 191	88 000,00	14 800 808 000,00



БУЮРТМАЧИ
"Ўқув таълим-таъминот" ДМ

Б.Исламов

ИЖРОЧИ
"SUMKALAR SAYYORASI" МЧЖ

К.Арифджанов



ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ
к сумкам ученическим (ранцам)

1	Целью приобретения товаров является обеспечение ученическими принадлежностями учащихся первых классов, а также детей с ограниченными возможностями и должна соответствовать нормативным документам производителя (продавца).
2	Требования по классификации, основным параметрам и количество указаны в <u>Разделе «Ценовая часть тендерной документации».</u>
3	Ранец ученический должен соответствовать требованиям ГОСТ 28631-2018 «Сумки, чемоданы, портфели, ранцы, рюкзаки, папки, изделия мелкой кожгалантереи. Общие технические условия». Ранец ученический изготавливается согласно п.5.3.из материала полиэстера с водоотталкивающей пропиткой, окраска материала – прочная. На нижней части наружного кармана, должна быть аппликация www.uzedu.uz
4	Ранец ученический должен иметь детали со светоотражающими элементами согласно п.5.3.1.
5	Размеры ранца ученического должны соответствовать п.4.2.2. табл.1 длина (высота) - 380 mm ширина - 280 mm ширина боковой части - 100 mm Допускаются отклонения - ± 10 mm
6	Масса ранца ученического должна соответствовать п.6.5 (не более 700 g).
7	Ранец ученический состоит из одной секции, с внутренним большим плоским карманом, закрывающимся галантерейной тесьмой с липучкой. Внутренний и наружный карманы имеют мягкий прокладочный слой из пенопропилена толщиной 3 mm \pm 1 mm. Боковые карманы сумки изготовлены из эластичной резиновой сетки и обработаны резинкой под цвет сетки. С лицевой стороны -2 наружных кармана (два в одном). Согласно п. 5.4.18
8	Маркировка ранца ученического должна соответствовать п.5.6.1.(наименование предприятия-изготовителя, наименование изделия, размер, обозначение стандарта, модель, дата выпуска (год) и страна происхождения).
9	Ранец ученический должен изготавливаться с двумя малыми ручками, первая из которых из галантерейной тесьмы, шириной 20 mm \pm 3 mm, полная длина в готовом виде - не менее 150 mm. Вторая ручка из материала полиэстера, проложенная внутри жесткой губкой шириной 30 mm., толщиной 15 mm. Полная длина в готовом виде - не менее 220 mm \pm 5 mm, которая крепится к основной секции сумки с обеих сторон закрепочными строчками Согласно п.5.4.20.
10	Длина верхних плечевых ремней (без учёта угла) не менее 370 mm \pm 10 mm, ширина не менее - 65 mm \pm 5 mm, с внутренней мягкой прокладкой из пенопропилена толщиной 6 mm \pm 1 mm без окантовки. Наружная часть плечевых ремней изготавливается из материала одинакового с материалом ранца, внутренняя часть которых изготовлена из плотного сеточного материала в тон основной ткани или материала отделки. На наружную часть плечевого ремня крепится галантерейная тесьма длиной 140 mm \pm 5 mm, шириной 25 mm \pm 3 mm, на которой закреплена пластмассовая пряжка регулятор, ширина которой соответствует ширине нижних ремней. На галантерейную тесьму крепится поперечная регулировочная пластмассовая застёжка (ширина используемой галантерейной тесьмы 25 mm \pm 3 mm), для более устойчивого держания сумки на плечах и спине учащегося. Плечевые ремни соединены на верхней части задней стенки сумки с первой малой ручкой и с внешней стороны закреплены закрепочной строчкой.
11	Длина нижних ремней - не менее 350 mm \pm 10 mm, ширина не менее- 25 mm \pm 3 mm; длина плечевых ремней (без учёта углов) регулируется пластмассовыми пряжками регуляторами, ширина которых должна соответствовать ширине нижних ремней. Они изготавливаются из галантерейной тесьмы. Нижние ремни крепятся с боку на нижней части задней спинки ранца с помощью углов, изготовленных из основного материала сумки. Согласно п. 4.2.2. табл.1 и п.5.4.20.

12	Застёжка-молния применяется гелиевая в тон основной ткани или материала отделки. Застёжка-молния основной секции имеет два металлических бегунка современного дизайна, бегунки не должны иметь острых углов, быть не очень крупными и не понятных геометрических форм и удобными в использовании для детей начальных классов, (хорошо открывающие и закрывающие с двух сторон). Застёжка – молния наружных карманов имеет по одному металлическому бегунку.
13	Спинка ученических ранцев должна соответствовать п.5.3.2.
14	Срезы открытых швов внутри изделия должны быть обработаны согласно п.5.4.4.
15	Используется цветовая гамма нейтральных расцветок: бордовый, фиолетовый, зелёный, горчичный, бежевый, коричневый, серый и другие нейтральные цвета.
16	Ранец ученический изготавливается прошивным методом (нитками). Согласно п.5.4.1. и п.5.4.2. табл.2.
17	Изготовитель гарантирует соответствие изделий требованиям настоящего технического задания при соблюдении транспортировки и хранения. Гарантийный срок эксплуатации со дня доставки товара до потребителя составляет не менее 30 дней. Согласно п.11.1 и 11.2.
18	Товар подлежащий обязательной сертификации должен иметь копию сертификата соответствия и копию санитарно-эпидемиологического заключения (испытания лаборатории). Закупаемый товар должен быть новым и изготовлен не ранее текущего года.


 БУЮРТМАНИ
 «Укув таълим-таъминот» ДМ
 _____ Б.Исламов

ИЖРОЧИ
 "SUMKALAR SAYYORASI" МЧЖ
 _____ К.Арифджанов





Консалтинговая компания ООО «NOVYNEX»

ОРГАНИЗАЦИЯ ЮРИДИЧЕСКИХ КОНСУЛЬТАНТОВ

Все виды консалтинговых услуг в области финансов и бухгалтерии,
налогов и налогообложения, права и юридического сопровождения бизнеса

Адрес: г.Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Бахор, 16-21, р/с: 20208000105356218001 в Ташкентском филиале
ЧАБ «Трастбанк», МФО: 00850, ИНН: 308272756 ОКЭД: 69109 Тел.: (90) 990-09-99, (998)93 5016599.

ЮРИДИК ХУЛОСА

“Ўқув таълим-таъминот” давлат муассасаси ва “SUMKALAR SAYYORASI” МЧЖ
ўртасидаги №6/22 U-10-сонли шартнома лойиҳаси юзасидан

Тошкент ш.

14 июнь 2022й.

Ушбу ҳуқуқий хулоса Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тузилган.

Ҳуқуқий таҳлил натижасида қуйидагилар аниқлади:

Юридик фикр:

Қуйидагилар ўртасида тузиладиган 6/22-U10-сонли шартнома лойиҳасини текшириш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Ўқув таълим-таъминот” давлат муассасасининг – “Буюртмачи” ва “SUMKALAR SAYYORASI” МЧЖ – “Ижрочи”.

Шартнома Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган асосий бўлимлар ва маълумотларни ўз ичига олади.

1. **Преамбула.** Шартнома ва ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлар – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Ўқув таълим-таъминот” давлат муассасасининг (“Буюртмачи”) ва “SUMKALAR SAYYORASI” МЧЖ (“Ижрочи”).

Шартноманинг предмети. “Ижрочи” ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-иловага мувофиқ, “Товарлар”, миқдори ва бошқа хусусиятларига кўра, 2-иловадаги техник тавсифларга тўлиқ мос келадиган “Товарлар”ни Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Сағбон 13-берк кўчаси, 28-уй манзилига етказиб бериш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса ушбу шартномада белгиланган шартларда ва муддатларда товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Шартноманинг умумий суммаси (баҳоси) – 14 800 808 000,00 (ўн тўрт миллиард саккиз юз саккиз миллион) сўмни, жумладан 15 фоиз – 1 930 540 173,91 (бир миллиард тукиз юз ўттиз миллион беш юз қирқ минг бир юз етмиш уч) сўм (тўқсон бир) тийн ташкил этади (шу жумладан ҚҚС).

Тўловлар. “Буюртмачи” ушбу шартнома имзоланган ва Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 15 (ўн беш) календарь кун мобайнида шартнома умумий суммасининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида “Ижрочи”га аванс тўлов сифатида олдиндан тўловни амалга оширади, агарда “Ижрочи” томонидан ушбу шартноманинг 2.6-бандида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилган бўлса.

Кейинги тўловлар “Буюртмачи” томонидан 2.3-бандга асосан тўланган аванс тўлов сифатида олдиндан тўлов суммасидан кам бўлмаган миқдордаги тугалланган товар партияси етказиб берилгандан ва шартноманинг 2.5-бандида белгиланган тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг 30 (ўттиз) календарь кун ичида “Ижрочи”га тўлаб берилади.

2. Томонларнинг жавобгарлиги.

Шартнома 2.8-бандида “Ижрочи” ушбу шартномани имзолаш орқали кафолат суммаси қайтарилган пайтда кафолат миқдоридан пеня, жарима тўловлари ва “Буюртмачи”га етказилган

зарар миқдорининг ушлаб қолиниши бўйича “Буюртмачи” сўзсиз ҳуқуқга эга эканлигини ўз роҳи билан тасдиқлайди. Шунингдек, мазкур шартноманинг 2.3-бандида назарда тутилган банк кафолати тақдим этилган ҳолатларда “Ижрочи” томонидан мажбуриятлар ўз вақтида ва лозим даражада бажарилмаганда банк кафолатида белгиланган мажбуриятлар, тўловлар, пеня, жарима тўловлари ва “Буюртмачи”га етказилган зарар миқдори кафолатни тақдим этган тегишли банкдан талаб қилиб олинади – амалий эмас.

Шартнома 8.4-бандига кўра ушбу шартномада назарда тутилган пеня ва жарима санкцияларидан ташқари, “Ижрочи”нинг шартномада белгиланган мажбуриятлари бажарилмаслиги оқибати шартнома бекор қилинганда ёки “Товар”ни етказиб бериш муддати бир ойга (30 кунга) кечиктирилганда кафолат суммаси “Ижрочи”га қайтарилмайди – кўриб чиқиш тавсия этилади.

3. Низолар ва келишмовчиликларнинг ҳал қилиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тақдим этилади ва уларга риоя қилинади. Шу билан бирга, низоларни судгача ҳал этишни тартибга солиш мақсадида **8.6-бандни** куйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади:

“8.6. Ушбу шартнома ёки у билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади.

Бунда томонлар низони судгача ҳал этиш тартибига риоя этишлари лозим. Низони судгача тартибда ҳал қилиш масадида тақдим этилган талабномани кўриб чиқиш муддати, ушбу талабнома олинган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кунни ташкил қилади”.

4. Томонларнинг тафсилотлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ кўрсатилган.

5. Шартнома тили. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб беради.

6. Шартнома лойиҳаси матни ва шартлари бўйича концептуал таклиф ва мулоҳазалар:

а) 2.5-бандда “Товар”лар умумий миқдорининг қолган қисми “Ижрочи” томонидан товарлар тўлиқ етказиб берилгандан сўнг, тақдим этилган ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактуралари, “Товар”ларни қабул қилиш далолатномалари ва (мутахассис) лаборатория ҳулосаларига мувофиқ 30 (ўттиз) календарь кун ичида “Ижрочи” ҳисоб рақамига ўтказилиши назарда тутилган.

Шу билан бирга, 5.1-бандга кўра, “Товар”ни қабул қилиш - “Буюртмачи”нинг “Ижрочи” вакиллари иштирокида тузилган қабул комиссияси томонидан шартномада “Товар”га қўйилган талаблар доирасида амалга оширилади.

Юқоридан келиб чиқиб, товарни қабул қилиш-топишириш бир хил тартибни жорий қилиш ҳамда келгусида томонлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни олдини олиш мақсадида,

2.5 ва 5.1-бандларни ўзаро мувофиқлаштириш лозим бўлади;

б) 2.4-2.5-бандларда кейинги тўловлар муддати 30 кун этиб белгиланган, Ижрочи ушбу муддатни инобатга олиши ёки камайитириши ҳақида Буюртмачига таклиф киритиши мақсадга мувофиқ;

в) 2.6, 2.7, 2.8-бандларни қайта кўриб чиқиш лозим. Унга кўра шартнома умумий суммасининг 3 фоизи (яъни 444 024 240 сўм) миқдорида Ижрочи Буюртмачининг махсус ҳисоб рақамига шартнома тузилганидан 5 (беш) банк иш кунидан кечикмасдан пул маблағлари кўринишидаги кафолат суммасини ўтказиш мажбурияти ўз зиммасига олади. Бу ҳолат Ижрочи учун юқори таваккалли (таҳликали) ҳисобланиб, барча низоларни судгача ёки суд тартибида ҳал этган мақсадга мувофиқ;

г) 3.3-бандга мувофиқ Ижрочи Буюртмачини товарни етказиб беришга тайёрлиги тўғрисида камида 5 (беш) календарь кун олдин хабардор қилиши лозим;

д) **4.3-банд.** Ижрочи лот бўйича топширилаётган ҳар бир партияга (мажбурий сертификацияга тегишли товарлар), Товар номи ва миқдори кўрсатилган мувофиқлик сертификати ва санитария-эпидемиология хулосасини тақдим этиши шарт;

е) **4.5-банд.** Ижрочи шартномада келишилган товарлар учун 12 (ўн икки) ойлик кафолат муддатини тақдим этади;

ж) **4.6-бандда** етказиб берилган товарнинг кафолат муддати давомида нуқсонни ёки носозлиги келиб чиққанда, Ижрочи **15 (ўн беш) кундан ортиқ бўлмаган** муддатда уни алмаштириши ёки тасъмирлаш мажбуриятини олади.

Шунингдек, Ижрочи Буюртмачига республика ҳудудларига етказиб берилган товарларнинг **кафолат хизматини бажарадиган ташкилий тузилмасини** тақдим этиши керак.

Ушбу банднинг иккинчи хатбошиси мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиб, уни лойиҳа матнидан чиқариб ташлаш таклиф этилади.

Бундан ташқари, **5.3, 6.1-бандларга** асосан Ижрочи аниқланган камчиликларни далолатномани олган кундан бошлаб **10 (ўн) кун** ичида ўз маблаглари ҳисобидан бартараф этишига мажбурдир.

Яъни **4.6 ва 5.3, 6.1-бандлардаги** муддатлар бир-бирига мувофиқ эмас. Шу сабабли, **5.3 ва 6.1-бандлардаги** 10 кунлик муддатни “15 кун”га алмаштириши таклиф қилинади;

з) шартнома баҳоси йириклигини инобатга олиб, шартноманинг **8.1, 8.2, 8.3-бандларидаги** неустойка (штраф, пеня) қайта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ (мисол учун 0,04%, бироқ 5%дан ошмаган миқдорда пеня, 5% миқдорда жарима);

и) **8.4-бандни** лойиҳа матнидан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ. Сабаби шартномада товарни етказиб бермаслик ёки лозим даражада етказиб бермаслик учун неустойка (пеня, жарима) кўзда тутилган, ва бу ҳолат Ижрочини икки карра жазолаш ҳисобланади;

к) **8.5-бандни** умуман чиқариб ташлаш лозим. Бу форс-мажор ҳолат ҳисобланмайди ҳамда Буюртмачини тўлов мажбуриятидан озод қилмайди. Давлат харидларига оид қонунчиликка мувофиқ, молиялаштириши манбаси аниқлангандан (белгилангандан) кейин давлат харидлари амалга оширилиши назарда тутилган. Томонларнинг жаворгарликдан озод этилиши ҳолатлари шартноманинг

IX бўлимида (ФАВҚУЛОТДА ВАЗИЯТЛАР) аке эттирилган;

л) **8.6-бандни** ушбу юридик хулосанинг **3-бандида** келтирилган таклифга мувофиқлаштириши тавсия этилади;

м) **10.1-банд.** Товарлар қисм (партия) билан харид қилинишини инобатга олиб, шартнома амал қилиши муддатини (2022 йил 31 декабргача) қайта кўриб чиқиши лозим. Ёки газначилик талабларидан келиб чиқиб, ушбу бандни шартнома муддати узайтирилиши ҳақида қўшимча хатбоши билан тўлдириши таклиф этилади;

н) **10.2 ва 10.3-бандларни** ўзаро мувофиқлаштириши лозим. Шартномани бекор қилишида икки хил тартиб, яъни бир томонлама ва суд орқали бекор қилиши назарда тутилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, **10.2-бандни** кўйидаги таҳрирда баён этиши мақсадга мувофиқ:

“10.2. Агар бир томон шартнома шартларини жиддий равишида бузган бўлса, ушбу шартнома томонларнинг келишуви билан ёки суд тартибда бекор қилиниши мумкин”.

о) **10.3-бандда.** Фуқаролик қонунидаги талаблардан келиб чиқиб “5 (беш) кунлик” муддатни “30 кунлик” муддатга алмаштириши мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқий маслаҳатчи



Ф.Джафаров